Ушбу сонда:
2 САНАЦИЯ БЕРГАН ИМКОНИЯТ
3 МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ КИМЛАР БУЗМОҚДА?
4 ТИРИКЛИК ФАЛСАФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 21 апрел, чоршанба № 46 (693)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН-ЧЕХИЯ:
ҲАМКОРЛИК КЎЛАМЛАРИ КЕНГАЯДИ

20 апрел куни Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Пойтахт аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов кутиб олди.





Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Чехия Бош вазири Милош Земан билан яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи, истиқболдаги режалар, шунингдек, халқаро ва минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сўнгра икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Музокараларда асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик масаласига қаратилди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Чехия Бош вазири Милош Земаннинг мазкур ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этажагини таъкидлади.

- Биз Чехияда кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришларни диққат билан кузатиб бормоқдамиз, - деди Ислом Каримов.- Чехиянинг НАТОга қабул қилинганини табриклаш баробарида унинг Европа Иттифоқига кириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам қўллаб қувватлаймиз. Таъкидлаш керакки, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ҳар икки томон учун ҳам бирдек манфаатлидир. Негаки, Ўзбекистон Чехиянинг Ўрта Осиё бозорига кириши учун дарвоза сифатида хизмат қилса, бизнинг Марказий Европа бозорига чиқишимизда Чехия ҳам худди шундай муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволига назар ташлаб, шуни айтиш керакки, ҳамкорлигимиз мавжуд имкониятлар даражасида кечаётгани йўқ. Демак, биз учун асосий вазифа - ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

Бугун Ўзбекистонда ўн бешта Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси қайд этилган. Хусусан, «Лечево», «Авиа», «Клуб-97» каби кўплаб фирмалар Ўзбекистонда самарали фаолият кўрсатаётир. Айниқса, Чехиянинг «Шкода» ва «Татра» автомобил фирмалари билан ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак. Бош вазир М.Земаннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Тошкентда Чехиянинг савдо-иқтисодий кўргазмаси очилади. Бу Чехиянинг Ўрта Осиёдаги илк кўргазмасидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун, шубҳасиз, ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу кунгача икки давлат ўртасида тўртта ҳукуматлараро ҳамда ўнта идоралараро ҳужжат имзоланган. Ислом Каримов масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратиб, Ўзбекистон билан Чехия ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик ҳамда солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида битим имзолаш табиий ва кечиктириб бўлмайдиган зарурият эканлигини таъкидлади. Қолаверса, божхона ишларида ўзаро ёрдам кўрсатиш борасида ҳам тегишли ҳужжат имзоланса, икки мамлакат ишбилармонлари учун ҳам, ўзаро ҳамкорликнинг келгуси ривожи учун ҳам фойдали бўлур эди.

Лўнда қилиб айтганда, Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш кўп жиҳатдан ўзаро қўшма корхоналар тузиш ва уларни тўла қувватда ишлатишга боғлиқ. Қўшма корхоналар эса енгил саноат, озиқ-овқат саноати, электротехника ва химия саноати, машинасозлик, металлургия, энергетика, телекоммуникация каби соҳаларда самарали бўлиши мумкин.

Ўзбекистон билан Чехия ўртасида халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ ва ЕХҲТ доирасидаги ҳамкорлик ҳам эътиборга моликдир. Айтиш керакки, Ўзбекистон Чехиянинг БМТ Халқаро ҳуқуқ бўйича комиссиясига кириши ва бошқа ўринларда уни қўллаб-қувватлаган давлатлардан биридир. Шунингдек, музокараларда туризм, фан ва маданият соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ жиҳатларга ҳам атрофлича тўхтаб ўтилди.

- Мен Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда муҳим ўрин тутишини яна бир карра таъкидламоқчиман,- деди Чехия Бош вазири Милош Земан. - Ўзбекистон тараққий этган мамлакатга айланиш учун зарур салоҳиятга эга. Шу боис биз сиз билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз. Бу борада мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани эса, афсуски, ҳақиқат. Лекин бугунги кун мавжуд муаммоларни имкон қадар тезроқ ҳал қилиб, ҳамкорликни ривожлантириш замонидир. Шу боис биз аниқ лойиҳалар асосида иш юритмоғимиз керак.

Музокараларда Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун ўзаро иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда сервис ва лизинг хизмати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалаларда ҳам муайян келишувга эришиш ҳар икки томон учун бирдек фойдали бўлур эди.

Музокаралар ниҳоясида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Чехия Бош вазири Милош Земан Ўзбекистон Республикаси билан Чехия Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекдилар. Шунингдек, икки давлат ҳукуматлари ўртасида автомобил транспортида халқаро йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги Битим ҳам имзоланди.

Шундан сўнг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуман муқаддимасида мамлакатимиз раҳбари Чехия Республикаси Бош вазири билан бўлиб ўтган мулоқотлардан тўла қониқиш ҳосил қилганини таъкидлади. Сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга қаратилган, шунингдек, халқаро ва минтақавий хавфсизлик ҳамда бошқа масалалар юзасидан томонларнинг қарашлари бир хил экани аён бўлганини қайд этди.

Маълумки, Чехияда ишлаб чиқарилган товарлар ўзбек харидорларининг эътиборини қозона олган. Ҳамкорлик кўламлари ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Бунга мисол тариқасида биргина «Самарқанд-Прага» қўшма корхонаси номини тилга олишнинг ўзи кифоя. Ҳозир Чехия капитали иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар маҳсулотлари нафақат Ўзбекистон, балки мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарида ҳам машҳур. Машинасозлик, фармацевтика, енгил саноат соҳаларидаги ҳамда пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан қадимдан маданият бешиги бўлган Ўзбекистонга ташрифидан мамнуният изҳор этди. Бош вазир ўз мамлакати Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликдан катта манфаат топишини таъкидлар экан, ҳар икки давлат имкониятлари ғоят катталиги, айни пайтда ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қатор лойиҳалар мавжуд эканини айтди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земан журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Чехия Бош вазири М.Земаннинг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

Шуҳрат Умиров, Фарҳод Арзиев, ЎзА мухбирлари.

* * *

Суратда: Учрашув пайти Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

КУРАШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ХУСУСИДА

Тошкентда 1 майдан 3 майга қадар бўладиган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Бу катта спорт байрамини юксак даражада ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Ҳамидулла Караматов бошқарди.

Республика Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситовнинг қисқача ҳисоботида тайёргарлик ишларига якун ясалди. Мусобақанинг спортчиларни жойлаштириш, овқатлантириш, уларга транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг бўш вақтини ташкил этиш каби барча ташкилий масалалар ҳал қилингани айтилди.

«СовпластИтал» қўшма корхонаси чемпионат ғолиблари ва совриндорлари учун эсдалик совғаларининг намуна вариантларини - чемпионат рамзи туширилган лаганларни тайёрлади. Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати эмблемаси тасвирланган 10 минг плакат ва 5 минг вимпел чиқарилди.

10 кун тезда ўтиб кетади, «Жар» спорт мажмуи стадионида курашнинг минглаб мухлислари 50 дан ортиқ мамлакатдан келган полвонлар беллашувини томоша қиладилар.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини 150 га яқин Ўзбекистон ва хориж журналистлари ёритади.

(ЎзА)

1999 йил — Аёллар йили

ҚЎШМА МАЖЛИС - КУЧЛАР БИРЛИГИ

Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Республика хотин-қизлар қўмитасининг «Аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза-лаш юзасидан касаба уюшма ташкилотлари ва хотин-қизлар қўмиталарининг ҳамкорликдаги ишлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида»ги қўшма мажлис бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари кенгашлари раислари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, тегишли вазирлик, қўмита ҳамда соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди. Жамиятимизда аёллар мавқеини ошириш, айниқса ижтимоий меҳнат билан банд бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалаш борасида аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Республика хотин-қизлар қўмитасининг ҳамкорликда ўтказган қўшма мажлисида аёлларга ҳар томонлама ҳамкору мададкор бўлишда мазкур жамоат ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида фикр алмашилди. Мажлисда Республика Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Туломова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Д.Жаҳонгирова маъруза қилдилар.

Маълумки, республика аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги меҳнати билан банддир. Олиб борилаётган ислоҳотларимиз орасида қишлоқ жабҳаси бир мунча ортда қолаётганлигига эътиборни қаратсак, тизимдаги ижтимоий муҳит ҳам кутилган даражада эмаслигини англаш қийин эмас. Қишлоқ меҳнати билан банд бўлганларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этади. Маърузаларда уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш ҳақида алоҳида тўхталб ўтилди. Қишлоқ оилаларида кичик тадбиркорликни ривожлантириш, янгидан шаклланиб бораётган мулкдорлар сафида аёллар сонини ошириш борасидаги тадбирлар алоҳида таъкидланди.

Бозор муносабатлари шароитида талаб ва таклифни тартибга солувчи омил - шартномадир. Амалдаги Меҳнат Кодекси ҳам меҳнат муносабатларини шартнома асосида қуришни тақозо этади. Бу борада кўпгина корхона, ташкилот ва муассасаларда ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, алоқа, кимё саноати, темир йўллар соҳаларида тузилган тармоқ битимларида болалар, кам таъминланган аёллар учун имтиёз ва кафолатлар белгиланган.

Дарҳақиқат жойларда бевосита касаба уюшма фаолларининг сай-ҳаракати туфайли аёллар учун қисқартирилган иш кунини жорий этиш, штатлар қисқарилишида афзалликлар яратиш, аёлларга меҳнат таътилини қулай вақтларда тақдим этишга эришилаётир.

Қўшма мажлисда сўзга чиққан «Ўзэлектроаппарат» корхонасининг директори А.Алимбоев, сурхондарёлик тадбиркор С.Эшмуродова, Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси К.Раимжоновлар ҳам ибратли таклифларни ўртага ташладилар. Шунингдек, қўшма мажлисда касаба уюшмалари фаолияти билан боғлиқ қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Республика хотин-қизлар қўмитасининг қўшма мажлиси тегишли қарор қабул қилиб, келгусида ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар аниқ-равшан белгилаб олинди.

Йиғилишда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев сўзга чиқди.

* * *

Ушбу муҳим тадбирга оид мақолалар газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Федерация Кенгашининг раиси Дилбар Жаҳонгирова олиб борди.

Раёсат йиғилишида катта эътибор Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясида кўрилган масалаларга қаратилди. Чунончи, мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар, фуқароларо тотувликни янада мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, фарзандларимизнинг маънавий-аҳлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуриш ҳамда бу борада касаба уюшмаларининг вазифаларига тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда «Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги олиб бораётган ишлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида бир қатор тадбирлар амалга оширмоқда. Вилоят бўйича 1998-2000 йилларга мўлжалланган икки томонлама ҳудудий битим тузилган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш йўлида муайян ишлар қилинмоқда. Ижтимоий шерикчилик тамойилини ҳаётга жорий этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар натижасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ишлари бирмунча яхшиланди. Кейинги йилларда вилоятда бир қатор маданий-маиший ва спорт объектлари фойдаланишга топширилди. Уйжой бунёдкорлиги, қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш масалаларида ҳам анчагина силжиш сезилмоқда.

Жамоа-шартномавий муносабатларни бирмунча жонлантиришга эришилди. Корхона, ташкилот ва турли муассасаларда қабул қилинаётган жамоа шартномаларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, бандликни таъминлаш, иш жойларини сақлаб қолиш ёки қайта ташкил этиш, ходимларга ижтимоий имтиёз ва кафолатлар бериш, меҳнат муҳофазаси бўйича муҳим масалалар ўз аксини топмоқда.

Шу билан бирга айтиш керакки, вилоятда ходимлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш борасида бир қатор камчиликлар бор ва ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Ҳудудий битимда кўрсатилган бир қатор тадбирлар амалга ошмай қолаяпти. Аҳолини иш билан таъминлаш билан боғлиқ айрим жиҳатлар назоратдан четда қолмоқда. Маҳаллий меҳнат органлари билан биргаликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилаяпти деб бўлмайди.

1998 йилда болаларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ўз вақтида ва сифатли таъмирланмади. Бундай масканларда режадаги 10 минг ўрнига 7614 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди, холос. Санаторий, дам олиш уйлари, пансионат ва санаторий-профилакторийларда кўзда тутилган 5 минг ўрнига 2789 киши соғломлаштирилгани ҳам бу борадаги ишларнинг пухта ташкил этилмаётганини кўрсатиб турибди.

Клуб муассасаларининг ишини ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунларига риоя этиш, Президент Фармонлари, Вазирлар

(Давоми 2-бетда)

ИШБИЛАРМОНЛАР АНЖУМАНИ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Чехия Республикаси Бош вазири Милош Земаннинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Чехия ишбилармон доираларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов семинарни очар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга қурилганини таъкидлади. Шу боис ҳам савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқаларимиз барқарор ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон аҳли сифатли чех маҳсулотларини яхши билади.

Бизнес-семинарда сўзга чиққан Милош Земан Чехияда Ўрта Осиё бозорига катта эътибор билан қаралаётганини айтди. У Ўзбекистоннинг бу минтақадаги энг салоҳиятли давлат эканлигини қайд этаркан, биз бу ерга сармоя ётқизаётган тадбиркорларимизга давлат кафолати беришга тайёрмиз, деб алоҳида таъкидлади.

Семинарда чехиялик тадбиркорлар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти билан яқиндан таништирилди. Юртимизда хорижий тадбиркорларга яратилган қулай шарт-шароит ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилди. Анжуманда узоқ муддатли ҳамкорлик, тез самара берадиган ва ҳар икки томон учун бирдай манфаатли бўлган лойиҳалар устида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ экани алоҳида таъкидланди.

(ЎзА).

ЧЕХИЯ - ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Шу куни Чехия Бош вазири Милош Земан Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ҳамроҳлигида «Ўзэкспомарказ»га ташриф буюрди. Бу ерда «Чехия Республикаси - Сизнинг савдо шеригингиз» кўргазмасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бош вазирлар кўргазманинг рамзий тасмасини кесди. Ушбу тадбир Чехия саноат ва савдо вазирлиги раҳнамолигида ташкил этилган бўлиб, унда Чехиянинг автомобилсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, машинасозлик саноати ва бошқа соҳаларида, шунингдек, Ўзбекистон-Чехия қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари намойиш этилмоқда. Кўргазмага ташриф буюрган меҳмонлар унинг икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожига кучли туртки беражагига ишонч билдирдилар.

Чехия Бош вазири Милош Земан Ўзбекистон Бош вазири ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Миллий боққа ҳам ташриф буюриб, улуғ шоир ва мутафаккир ҳайкали пойига гул қўйди.

Чехиялик юксак мартабали меҳмон Олий Мажлисда бўлиб, Ўзбекистон парламенти раиси Э.Халилов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикр алмашилди. Ўзбекистон билан Чехия ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда ҳуқуқий пойдеворни такомиллаштириш мавзуи ҳам мулоқот иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Чехиялик меҳмонлар Ўзбекистон қонунчилигидаги ўзгаришлар, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан таништирилди.

М.Земан пойтахт марказида қад ростлаган муҳташам Темурийлар тарихи давлат музейини ҳам зиёрат қилди. Меҳмон Ўзбекистон ҳукумати аждодлар ёдини эъзозлаш, тарихий ва маданий меросни асраб-авайлаш борасида амалга ошираётган ишларга юксак баҳо берди. Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи нодир тарихий ашёлар Чехия Бош вазирида катта таассурот қолдирди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳкамаси, шунингдек, юқори ташкилотлар қарорлари ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам шу кун талабларига жавоб бермаяпти, дейиш мумкин.

Бир қатор муҳим масалалар ҳатто ҳудудий битимда ўз аксини топмаган. Мулкчилик шаклларининг ўзгариши, яъни хусусий мулкчилик ва ижара пудрати муносабатларининг вужудга келиши, жамоа ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, хорижий инвестицияларни жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш ва уларни ишга тушириш орқали яратиладиган янги иш ўринларининг аниқ режалари кўринмайди. Шунингдек, вилоятда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган тадбирлар эътибордан четда қолган. Маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, иш ўринларини аттестация қилишни назоратга олиш, хусусийлаштириш жараёнида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари доираси тор.

Вилоят кенгаши томонидан жамоа шартномаларини тузиш бўйича тавсиялар барча вилоят тармоқ кўмиталарига етказилган бўлса-да, жойларда тузилаётган жамоа шартномаларида уларнинг савиясини таъминлашга қаратилган баъзи бандлар киритилмаяпти. Қатор корхона ва ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномаларида иш берувчи ташаббуси билан меҳнат муносабатларини бекор қилишдан олдин касаба уюшма кўмитасининг албатта розилигини олиш, жамоа шартномаси талабларини бажармасликда айбдор шахсларга нисбатан кўриладиган чоралар, меҳнат низолари комиссиясини тузиш каби масалалар эътибордан четда қолган. Масалан, «Шуҳрат» акционерлик жамиятида жамоа шартномаларини қабул қилишда иш ҳақини тўлаш муддатлари кўрсатилмаган. «Лечива фармсаноат» қўшма корхонаси, «Оқ олтин» туман матлубот акционерлик жамияти жамоа шартномаларида Меҳнат Кодексининг 161-моддасига зид равишда иш ҳақини ойига бир марта тўлаш ёзилган.

Вилоятдаги хўжалик юритувчи субъектларда меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, сарфланаётган маблағлар муносабатларнинг ўзгаришида, мулк эгалари ва ишловчиларнинг мулкка, меҳнат муносабатлари қоидаларига янгича ёндошувларни таркиб топиши ёки шаклланишига самарали таъсир қилаяпти, деб бўлмайди. Агросаноат мажмуида ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар 1997 йилда 8 та, 1998 йилда 5 та бўлди. Бахтсиз ҳодисаларнинг кўпчилиги асосан бу борадаги ишлар қониқарсиз ташкил этилганлиги ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаганлиги оқибатидир.

Агросаноат мажмуи тармоғида содир бўлган 5 та бахтсиз ҳодисанинг биронтаси тармоқ вилоят ёки туман кўмиталарининг раёсатларида кўриб чиқилмаган ва хўжалик раҳбарларига тегишли кескин чоралар кўрилмаган. Тармоқ вилоят кўмитаси меҳнат техник назорати томонидан 1998 йил давомида 70 корхона иши ўрганилиб, уларда мингдан кўпроқ меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилганлиги аниқланган ва ёзма кўрсатма берилган. Лекин ёзма кўрсатмаларнинг қандай бажарилаётганлиги устидан назорат олиб борилмаган. Шу туфайли ҳам хўжалик раҳбарларидан бу камчиликларни бартараф этилаётганлиги тўғрисида ёзма жавоблар келмаган.

Вилоятдаги қатор тармоқ кўмиталарида касаба уюшма фаолларини мунтазам ўқитиб бориш йўлга қўйилмаган. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларида талабчанлик сусайиб кетган. Қатор бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг иш режаларида меҳнат муҳофазаси масалалари киритилмаяпти.

Текшириш натижалари шуни кўрсатдики, жойларда меҳнат муҳофазаси ҳайъатлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш вакиллари хўжакўрсинга сайлаб қўйилган. Уларнинг ишлари талабга жавоб бермаётир.

Ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашда ҳам қатор камчиликлар юз бермоқда. Чунончи, Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати жамоа шартномасида муҳандис-техник ходимлар учун Меҳнат Кодексида кўзда тутилмаган «меъёрланмаган иш куни» деган тушунча қўлланилган. Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш мумкин бўлган лавозимлар рўйхатига деярли барча муҳандис-техник ходимлар лавозимлари киритилган, декрет таътилига чиқарилаётган аёлларнинг меҳнат таътили олиш ҳуқуқлари чекланган.

Янгиер шаҳар марказий шифохонасида, «Асакабанк» вилоят бўлимида ногирон ходимларга, Сирдарё туман «Автойўл» бошқармасида эса 18 ёшга тўлмаган ходимларга қонунчиликда белгиланган қисқартирилган иш кунлари жорий этилмаган. Янгиер шаҳар халқ таълими бўлимида ноқонуний равишда ишдан бўшатилган ходим вазифасига қайта тиклангандан унга мажбурий ишсиз юрган даври учун товон пули тўланмаган.

Вилоят кенгашида кадрлар билан ишлашда ҳам камчиликларга йўл қўйилаяпти. Хусусан, вилоят кенгашида тармоқ касаба уюшма қўмиталарида маълумоти эгаллаб турган лавозимларига тўғри келмайдиган ходимлар ишлаб келмоқда.

Раёсат йиғилишида шунингдек, «Касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама этилди. Унда касаба уюшма органларида ҳисобот-сайловлар ўтказиш тўғрисида Низом қабул қилинди.

1999 йилнинг май-июль ойларида касаба уюшма гуруҳи ташкилотчилари, касаба уюшма ташкилотлари, цех касаба уюшма қўмиталари, касаба уюшма қўмиталари, бирлашган қўмиталарда, 1999 йил август-декабрь ойларида туман, шаҳар, ҳудудий, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси тармоқ касаба уюшма қўмиталари, туман, шаҳар, мувофиқлаштирувчи кенгашларида, 2000 йил январь-февраль ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма кенгашлари, тармоқ Марказий қўмиталарининг ҳисобот-сайловлари ўтказилади.

Муҳокамада ҳисобот сайловлар ўтказиш жараёнида касаба уюшма ташкилотларининг барча йўналишлари бўйича чуқур таҳлилларга эришиш, касаба уюшма ташкилотлари ишини тубдан такомиллаштириш, молиявий интизомни мустаҳкамлашда мазкур ҳисобот-сайловлар имкониятидан тўла фойдаланишга алоҳида диққат қилинди. Шу билан бирга ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда қуйи касаба уюшма ташкилотларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш, касаба уюшмалари тузилмасига ёш, ғайратли, билимдон мутахассис ва янгича фикрлайдиган, ўз ишининг фидойиси, истиқлол ғояларига садоқатли ходимларни жалб этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Раёсатда шу куннинг энг муҳим ишларидан бири бўлган «Болаларни 1998 йилда соғломлаштириш, дам олдиришнинг якунлари ва 1999 йил соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг чоралари тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди. Унда оромгоҳларни кўзда тутилган муддатларда таъмирлаш, ўғил-қизларни соғломлаштириш, мазмунли дам олишларини ташкил этиш, бу муассасаларни етарли озиқ-овқат ва жиҳозлар билан таъминлаш, дам олдириш масканларига малакали мутахассисларни жалб этиш, тарбиявий ишларни янада яхшилаш каби муҳим масалаларга диққат қилинди.

Йиғилишда «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари муҳарририяти таҳрир ҳайъати ҳамда штатлар жадвали тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Раёсатда шунингдек, «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг иш тартиби тўғрисида», «Ўзбекистон касаба уюшмалари органларида ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1998 йилда фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда иш юритиш борасида амалга оширган тадбирлари тўғрисида», «1998 йил учун баланс комиссияси якунлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари бюджетининг бажарилиши тўғрисида», «Касаба уюшмалари меҳнат-техник назоратчиларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг билимларини текшириш тўғрисида»ги ва бошқа масалалар кўриб чиқилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИНГ ИЖОДИЙ УЧРАШУВИ

Республика Олий ўқув юртлари истеъдодли ёшларининг Тошкент шаҳридаги ижодий учрашувини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамкорликда ташкил этдилар.

Учрашув Тошкент Давлат университетининг мажлислар залида бошланиб, Тошкент Давлат техника университетида давом этди. Ижодий учрашувга келган иқтидорли талабаларни Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси И.Абдуғаниев, Тошкент Давлат университети ректори Т.Долимов қутладилар.

Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва бошқа вазирликлар тасарруфидаги 70 дан зиёд институт ва университетларда касаба уюшмалари фаолият кўрсатмоқда,-деди жумладан Марказий қўмита раиси И.Абдуғаниев. - Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуслари билан давлат стипендияларининг таъсис этилиши, талабаларнинг малакали мутахассислар бўлиб етишишлари учун етарли шарт-шароитларнинг яратилаётганлиги илм йўлини танлаганлар учун катта имкониятлар яратмоқда.

Шу куни иқтидорли талабалар ТошДУ тарихи, унинг бугунги фаолияти билан танишдилар. Шунингдек, Республика «Умид» ва «Камолот» жамғармалари фаоллари билан учрашув ўтказилди.

Темурийлар тарихи давлат музейи, Тошкентдаги Чкалов номли авиация бирлашмаси ҳамда «Кобул-Тўйтепа Текстайл» қўшма корхонасига экскурсия уюштириш билан якунланган анжуманда талабалар катта таассуротлар олдилар.

Ю.АҲМЕДОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси.



Иқтидорли ёшлар жамият таянчидир. Бунга Бухоро вилояти таълим тизимида ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, иш ва ҳаётий тажрибаси бой инсонларнинг ўгитлари ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари ва дунёқарашларини шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ромитон туманининг 2-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам малакали мураббийларнинг пухта билим беришлари боис турли фанлар бўйича туман, вилоят ва республика танлов олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритмоқдалар.

Суратда: (ўнгдан чапга) 2-ўрта мактаб раҳбари Обид Турдиев, биология фани муаллимаси Мастура Хўжаева, тарих ва ҳуқуқ фанлари бўйича олий тоифали мураббий Мунира Аминовалар ўқувчилари Дилноза Норова ва Наргиза Йўлдошевалар даврасида.

Аслиддин ШАРИПОВ олган сурат.

ТАДБИРКОРЛИКДАН САБОҚ

Яқинда Гулистон шаҳрида вилоят товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси хайрли ишга қўл урди. Шаҳар мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ўқув машғулотларини бошлаб юборишди. Дастлабки сабоқлар шаҳардаги А.Навоий номли 9-мактабда бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги йирик қўшма корхоналар раҳбарлари, жумладан, «Туркистон-С» Ўзбекистон-Сурия қўшма корхонасининг раҳбари тингловчиларга жаҳон тадбиркорлари иш тажрибалари ва дастлабки фаолиятга оид йўл-йўриқлар хусусида гапириб беришди.

Бундан кейин бу каби машғулотлар ҳар ойда бир марта ўтказилиши режалаштирилди.

Ўрганса арзийди

ЯПОНИЯ ТАРАҚҚИЁТИГА БИР НАЗАР

Япониянинг ер майдони 372 минг квадрат километр, аҳолиси 125 миллион киши. Японияниг 75 фоиз ҳудуди экин-тикин учун мутлоқ яроқсиз. Бундан ташқари, Япония вулқон оролларидан иборат бўлгани учун йилига камида 300 марта ер силкиниши рўй беради. Кўплаб сув тошқинлари, тайфунлар ҳам содир бўлиб туради. Табиий бойликлар кам. Шунинг учун улар бор нарсаларни, табиат ато этган шароитни кўз қорачиғидай сақлайдилар, борига шукр қиладилар. Японлар болаларини ёшлигидан меҳнатга, катталарга ҳурмат, одоб сақлаш, виждонли бўлиш, исрофгарчиликка йўл қўймасликка ўргатадилар. Шу боис улар ҳар бир янги яратилган буюм ва технологияларини иложи борича миниатюр, кичик, ихчам бўлишига алоҳида аҳамият берадилар. Мамлакат 99,7 фоиз нефтни, 100 фоиз алюминий, никелни, темир рудасини, 95 фоиз мисни, 92 фоиз газни четдан сотиб олади. Доимий равишда 100 кунлик нефт заҳираси сақланади. 1973 ва 1979 йили нефт кризиси даврида Япониянинг кўплаб компаниялари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турини ўзгартирдилар. Масалан, металл қуювчи компаниялардан бири газ ишлаб чиқаришга, тикув машиналарини яратишга ихтисослашган бўлса-да, иқтисодий таназзуллар натижасида ўз йўналишини тубдан ўзгартириб туради. Замонавий электрон ёзув машиналари, принтерлар, текст процессорлари ҳамда турли автоматик дастгоҳларни ишлаб чиқаришни кенг миқёсда йўлга қўйиб ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқдилар.

Машҳур «Канэбо» текстиль компанияси ўз йўналишини ўзгартириб, косметик товарлар ишлаб чиқариб, жаҳон бозорида асосий ўринлардан бирини эгаллади. Бу ўзгаришларнинг барчасига Япониянинг замонавий харидорбоп, арзон, сифатли, дизайни барчага маъқул бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фақат янги технологияларни жорий қилишлари сабаб бўлди. Японияда барча соҳаларда ишчиларнинг 49,4 фоизи митти корхоналарда (1 дан 19 кишигача) меҳнат қилади, 27,7 фоизи кичик корхоналарда (20 тадан 99 кишигача), 14,6 фоизи ўрта корхоналарда (100 дан 400 гача), қолганлари йирик корхоналарда ишлайди. Бундан кўриниб турибдики, Японияда барча корхоналарнинг 77,1 фоизи митти, кичик корхоналар ташкил қилади. Натижада бу кичик корхоналарда ҳар доим бозор, харидор талабига қараб, тезда ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турини ўзгартириши осон кечади. Фирма ва компаниялар тушган даромадни тезда акциядорларга тарқатмасдан, балки ишлаб чиқариш сифатини янада такомиллаштириш, янги замонавий технологиялар сотиб олишга сарфлайдилар.

Япониянингина эмас, балки жаҳон электроникасига асос солиб, бу соҳада аҳлга сиғмайдиган ихтиролар қилиб, уни ишлаб чиқаришга тезда жорий қилган «Сони» компанияси тарихига назар солсак, биз ўзимиз учун энг керакли маълумотлрга эга бўламиз. Бу компания асосан бошқа ном билан 1946 йилнинг 7 май куни ташкил қилинди. 1948 йили АҚШнинг «Беллэборэтриз» лабораторияси ходими Уильям Шокли транзисторни ихтиро қилди. «Сони» бу янгиликнинг ихтиро лицензиясини 25 минг долларга сотиб олди ва жаҳонга транзисторни танитибгина қолмасдан, уни радиоэлектроникада, амалда нимага қодир эканлигини исботлади. «Сони» шу кунлар радиоэлектроника соҳасида жаҳонда биринчи ўринда туради. Унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, турли- туманлиги, дизайни барчани лол қолдирмоқда. Йилига камида 12 миллиард доллардан ошиқ даромад қиладиган «Сони» компанияси 1988 йили 2 миллиард долларга «Си-Би-Эс рекорд»ни, 1989 йили эса АҚШнинг машҳур «Коламбия Пикчерс» кинокомпаниясини сотиб олди. Бугун кўплаб рангли телевизор, музлатгич, кир ювиш машиналари Японияда ишлаб чиқарилмоқда. АҚШнинг машҳур «Женерал Моторс» (йилига камида 12,5 миллион автомобил ишлаб чиқаради) концерни Япониянинг «Тойота» компанияси билан биргаликда биринчи бўлиб иш бошлаган бўлса, ҳозир «Форд», «Крайслер» компаниялари ҳам Япония автомобилсозлари билан бирга ишламоқдалар. Бунинг асосий сабаби, Японияда ишлаб чиқарилаётган барча автомобил моторларининг бошқа жаҳонда чиқарилаётган шу турдаги двигателларга қараганда узоқ муддат таъмирланмасдан ишлаб, ёнилғини жуда ҳам тежай олишлигидир.

1984 йилга келиб, Япониянинг «IBM Жапан» фирмаси замонавий компьютер ишлаб чиқариб, уни сотишда етакчи ўринга чиқди. АҚШнинг кўзга кўринган фирмалари Японияда ишлаб чиқарилган юқори технологик деталларни сотиб ола бошладилар. Японияда эркин иқтисодий тизим, яъни ҳар ким қонунга асосан ўзи хоҳлаган фирмасини ташкил қилиб, товар ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга. Корхоналарда ишчилар доимо рағбатлантириб турилади. Шунинг учун улар ҳалол, виждонан ишлайдилар. Шуни айтиш керакки, ишлаб чиқаришда «ОТК» ишчиларнинг ўзи ҳисобланади. Ишчилар ўз компаниялари, фирмалари ҳимоясида эканликларини ҳис қилиб турадилар. Ёз ойларида кўп корхона ва компаниялар ишчилари бир ҳафталик таътилга чиқишга ҳақлидирлар. Таътилнинг кўнгилли ўтиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Иш пайтида бошқа ишлар билан шуғулланиш, чекиш учун танаффус қилиш, қўл учида иш бажариш деган тушунчаларнинг ўзи йўқ.

Япониянинг «Асахи» газетаси кунига 13 миллиондан кўп нусхада чиқади. 98 фоизи садоқатли обуначилардир. Газетанинг 4 та вертолёти ва 2 та самолёти ҳамда минглаб турли алоқа воситалари мавжуд. «IBM Жапан» ва «Ниппон электроникс» компаниялари газетани барча босқичларини, уни саҳифалашдан то тахлагунга қадар бўлган барча ишларни автомат бажаради.

Япония иқтисодий муносабатларда жаҳон бозорида АҚШдан кейинги иккинчи ўринда туради. Жаҳонга машҳур «Ниппон стел», «Ниппон электроникс», «ИБМ», «Сони», «Тойота», «Мазда», «Ниссан», «Митсубиси», «Мицуми», «Сумитомо», ва «Хонда» компаниялари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифати, харидоргирлиги ҳамда арзонлиги билан борган сари жаҳон бозорини эгалламоқдалар.

Иккинчи жаҳон урушида вайронага айланган корхоналарининг табиий ресурсларсиз шундай улкан натижага эришиши асосий сабабларидан бири шуки, бу япон халқининг астойдил, виждонан, ҳалол меҳнат қилиши ва ишлаб чиқаришда ўз тадбирларини жорий қилишидадир. «Сони» компаниясига эндигина ишга қабул қилинган муҳандис ҳам албатта маълум вақт оддий ишчи бўлиб ишлаши шарт. Чунки, ушбу жараёнда ишлаб чиқаришни ўз кўзи билан кўриб, кейин мулоҳаза юритиши осон бўлади. Бу фирмада ишлайдиган кўплаб машҳур олимлар ҳам гоҳи-гоҳида магазинда маҳсулот сотишда ҳам иштирок этадилар. «Сони» компаниясининг тижорат директори ҳамда «Япониянинг электротехника соҳаси бўйича вазири» Акио Морите хизмат машинасини ўзи бошқаради.

Илҳом ШЕРМУҲАММЕДОВ.

Бозор талаби қатъий

САНАЦИЯ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Шуманай туманидаги Аяпберган Мусоев номли жамоа хўжалигида кейинги 7 йилда олти марта раҳбар ўзгарди. Аммо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб, дала меҳнаткашлари манфаатларини оширишда туб бурилишлар бўлмади.

Хўжалик деҳқон-фермер корхоналари бирлашмасига айлантирилди. Унга янги раҳбар — Ерпўлат Давлетмуродов раис бўлиб келди. Бирлашма Қорақалпоғистондаги 34 хўжалик қатори санация қилинди. Хўш, бу тадбир қандай ўзгаришга олиб келди?

Тўғрисини айтганда, ҳали жиддий ўзгаришлар кўзга яққол ташланганича йўқ. Чунки, хўжалик учун ўтган йиллардан қолоқлик кайфияти мерос қолган. У 1998 йилни 72 миллион сўм зарар билан якунлади, кредитор қарзлар 128 миллионга етди.

Санация қилингандан кейин хўжаликда жонланиш бошланди. Деҳқонлар аввало ишни техникаларни баҳорги мавсумга тайёрлашдан бошлашди. Бош муҳандис Олламберган Абдураимов, устахона бошлиғи Қутлимурод Дўстберганов техникани таъмирлашда иштирок этаётган кишиларга қулай шароит яратиш, зарур эҳтиёт қисмларни топиб келишда бош-қош бўлди. Бундан ташқари хўжалик ҳисоб рақамидаги 108 минг сўмнинг техника жиловкорларига ойлик маош қилиб берилиши ишни жонлантирди. Гап шундаки, механизаторлар анчадан буён меҳнатларига ҳақ ололмай турган эдилар. Мазкур моддий рағбат ишнинг ривожига туртки берди.

Хўжалик раҳбарияти учун иккинчи вазифа, бу деҳқонларга берилиши лозим бўлган иш ҳақи — 22 миллион сўмлик қарзни узиш имкониятларини топишдир.

— Санация - биз учун имтиёз эмас, балки сўнгги имконият эканлигини яхши тушунамиз, - дейди хўжалик раҳбари Ерпўлат Давлетмуродов. - Бизнес - режа асосида ишларни босқичма босқич олиб бормоқдамиз. Умумий экин экиладиган майдон 3697 гектарни ташкил этади. Шундан 260 гектарига кузги буғдой экилди. Ҳозир сифатли тайёрланган майдонларга чигит экиш қизғин олиб борилмоқда.

Шунингдек, 300 гектарга шоли, 225 гектарга янги беда, 64 гектарга полиз, сабзавот ва бошқа турли экинлар экилади. Биринчи марта экиш олдидан барча майдонлар шўри ювилди. Бозор муносабатлари шароитида минерал ўғитлар баҳосининг ҳаддан ташқари ошиб кетганини ҳисобга олиб, маҳаллий шароитдан келиб чиққан холда глуоконит ўғитини тайёрлашга эътибор қаратиляпти. Арзон, жуда фойдали бу маҳаллий ўғитдан ҳозирча 300 тоннаси жамғариб қўйилган.

Биз сўз юритаётган Шуманай туманидаги А. Мусоев номидаги бирлашмада яна бир янгилик жорий этилди. Яъни шартнома-контрактация интизоми мустаҳкамланди. Ҳар бир фермер билан икки томонлама шартномалар тузилиб, шартномавий режалар бажарилиши қатъий равишда белгилаб олинди. Бу тадбир масъулиятни янада кучайтиради. Ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилади. Режадан ташқари тайёрланган маҳсулот, у қайси экин бўлишидан қатъи назар, деҳқоннинг ихтиёрида қолдирилади. Натижада манфаатдорлик ортиб, даромад ошади.

Санация қилиниши сабабли бирлашмада юздан зиёд ишчи ўринлари қисқариб, бошқарув аппарати ихчамлашди. Бу эса ўз навбатида баъзи ортиқча харажатларни иқтисод қилиш имконини ҳам яратди.

Умуман олганда, бугунги иқтисодий ислоҳотлар жараёнига назар ташланса, шуни кўзатиш мумкинки, асосий мақсад қолоқ хўжаликлар ишини мувофиқлаштириш, ўткинчи қийинчиликларга мослашган ҳолда истиқбол пиллапояларини эгаллаши учун кўмаклашишдир. Фикримизни юқоридаги хўжалик ҳам тасдиқлайди.

Абду Раҳмон,
«Ишонч» мухбири.

Олий Мажлис XIV сессияси ҳужжатларини ўқиб

ЖАМОАТЧИЛИК КУЧИ

(давра суҳбати)

Ҳур ўлкамизда, ҳуқуқий демократик, инсонпарвар жамият қурилиши йўлида улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллаларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши, ушбу лавозимларга халқнинг ўзи муносиб деб билган кишиларнинг сайланиши фикримизни тасдиқлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг энг юқори қонун чиқарувчи органи - Олий Мажлиснинг икки сессияси кун тартибида ушбу масала кўриб чиқилди. Умумхалқ муҳокамасидан сўнг биринчи чақириқ XIV сессиясида мазкур қонун қабул қилинди.

Яқинда ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқи хусусида Оҳангарон шаҳар ҳокимиятида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Карима Аҳмедова - шаҳар ҳокими муовини:

- Хонадонлардаги сариштalик, маъмурчилик, болалар тарбияси, қўйинки, тўю-маъракаларда аёллар роли беқиёсдир. Ана шундан келиб чиқиб, мавжуд 21 та маҳаллаларда хотин-қизлар қўмиталари раислари фаолиятини янада яхшилаш масаласини ўйладик. Албатта, жамоатчилик асосида фаолият олиб борган кишига нисбатан моддий манфаатдор бўлиб, маош олиб ишлаган ходим ўз ишига жиддий ёндошади, ҳаракатлари кўпроқ самара беради. Шуни ҳисобга олиб, маҳалла қўмиталари котибалигига хотин-қизлар қўмиталари раисларини тавсия қилдик. Шу кунларда ҳамма маҳаллаларда ана шундай ташкилий ишларни давом эттираяпмиз. Бундан ташқари, йирик корхоналарда ҳам маош олиб ишлайдиган хотин-қизлар қўмиталари раислари вазифаси жорий қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси фаол аёлларимизнинг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун бандларида кўрсатилган вазифаларни амалда бажариш учун уларга имконият яратади. Бу билан ўйлайманки, жойларда қонунчиликка кўпроқ амал қилинишига эришилади.

Ўрозбек Мусабеков - туман прокурори:

- Амалдаги қонунлар асосида янгидан сайланган маҳалла оқсоқоллари ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Кузатишлардан шу нарса маълум бўлаяптики, оқсоқолларимиздан кўпчилигида ҳуқуқий билимлар анча етишмайди. Шунинг учун ҳам улар ўз фаолиятларида кўпроқ қонунга асосланадиган иш юритишда қийналиб қолмоқдалар. Натижада айнан маҳалла идорасида тўла ҳал бўладиган масалалардан бир қанчаси билан фуқароларимиз шаҳар ҳокими номига, судга, прокуратурага ариза билан мурожаат этмоқдалар. Шулардан айримларини биз маҳалла идорасига бориб, фаоллар ёрдамида ҳал этиб бераяпмиз. Муҳими, ҳар қандай арз жавобсиз қолиб кетмаслиги, адолатли ҳал этилиши керак.

Шу ўринда яна бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман: - қонунни яхши билмаган ҳар қайси фуқаро, жумладан, маҳалла оқсоқоллари ҳам, зарур бўлиб қолганида ўзини етарлича ҳимоя қила олмайди. Маълумки, маҳалла оқсоқолларини сайлаш жараёнида аҳоли томонидан кўрсатилган уч номзоддан бири кўпчилик овоз билан раисликка сайланади. Етарли овоз ололмаган айрим номзодлар нафсониятда азият чекиб, мен сендан камми, деган ўй билан сайланган одам устидан турли хил далил, исботлар қўллаб, ҳар хил идораларга шикоятлар ёзиб, қайта-қайта текширишлар ўтказилишига сабабчи бўлмоқдалар. Ўз тасдиғини тўла топа олмайдиган ушбу шикоятлардан ўзини тўла халос этиш учун оқсоқолда ҳуқуқий билим яхши бўлиши керак.

Ана шуларни ҳисобга олиб, прокуратура биносида синфхона ташкил этганмиз. Қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан жиҳозланган ушбу хонада маҳалла оқсоқоллари ҳафтада бир марта ҳуқуқий билим оладилар, тажриба алмашадилар. Ўйлайманки, бу ўқув машғулотларимиз яхши самара беради. Ташкил қилинган ҳуқуқий маърифат марказимизда Президентимиз Фармонлари, Олий Мажлис қарорлари ҳамда қонунлар шарҳи баён қилинган ҳужжатлар аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда катта хизмат қилмоқда. Машғулотларимиз учун ҳам улар зарур қўлланма ҳисобланади.

- **Абдумажид Раймқулов - «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимининг раиси:**

- Кейинги вақтларда маҳаллаларда олиб борилаётган юмушлар давлат аҳамиятидаги ишлар даражасига кўтарилиши бежиз эмас. Биргина бизнинг Оҳангарон шаҳрини оладиган бўлсак, 1801 хонадонда яшовчи турли миллат вакилларини 21 та маҳалла қўмиталари ўзига бирлаштирган. Албатта, ҳар куни маҳаллаларда оқсоқоллар ва фаоллар аралашуви зарур бўлган бирор иш чиқиб туради. Бунда оқсоқоллар вазифаларига тўғри ёндошишса, фаолларни амалий ишга жалб эта олишсагина ҳақиқат ўз жойида қарор топади. Кейинги сайловларда халқимиз сайлаган кишилар олиб бораётган ишлардан кўпчилик мамнун бўлаяпти. Улардан Рисгул Мадаминова, Шавкат Зиёвуддинов, Малик Бойназаров, Раиса Сагайдуллина, Ҳусан Бекмуродов каби раисларимиз фаолиятини бугун ўрнак қилиб кўрсатса арзийди.

Оқсоқолларимизнинг яхши фаолият юритишлари учун биринчи навбатда маҳалла идораларини ташкил этиш ҳаракатида бўлдик. Бугунги кунда барча маҳалла идораси тўла жиҳозланиб, қабул соатлари ва кўчалар, хонадонларда бўлиш вақтлари белгилаб қўйилган. Жамиятнинг бошланғич нуқтаси бўлган хонадонларнинг осойишталиги, покизалиги, оила аъзоларининг ўзаро ва бошқаларга хушмуомалада бўлишлари учун ҳаракат бош вазифа қилиб белгиланди. Шу мақсадда «Саранжом, покиза хонадон» танлови икки марта, «Тўй либослари» танлови бир марта ўтказилди. Ҳаж сафарига бориш истагини билдирганлар ҳам кўпчилик муҳокамаси билан тавсия этилди. Тошбуви Абдурахмонова хонадони бепул газлаштирилди, «Хонобод» жомеъ масжиди имом-хатиби Нуриддин Мухторов 5 хонадонга моддий ёрдам берди. «Наврўз» - «Янгиобод» маҳаллаларини бирлаштирган кўприк ҳашар йўли билан таъмирланди. Кам таъминланган оилалар аъзоларининг паспортларини алмаштириш учун ҳокимият маблағидан 80 минг сўм сарфланди. Бу ишларнинг ҳаммаси маҳалла аҳли кўз олдида, уларнинг бир-бирини қувватлаб овоз беришлари орқали бажарилди. Натижада турли ёшдаги, турли миллатга мансуб бўлган кишилар орасида аҳиллик янада мустаҳкамланиб бораяпти.

Маҳаллаларда олиб борилган яна бир ишимиз - қайсидир даражада қонунни бузган кишиларимиз судини маҳалла аҳли олдида очиқ суд орқали ўтказдик. Бунинг таъсири, тарбиявий аҳамияти дарҳол сезилди. Бўлиб ўтган учта суддан кейин иншоотлар асосан Самарқандда жойлашган. Туризм соҳасидаги маркетинг тадқиқотлари замонавий талабларга жавоб бермайди, хизмат кўрсатиш тармоғи яхши ривожланмаган.

Бу масалаларни ҳал этиш учун халқаро туризмни ривожлантиришнинг махсус концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепцияга мувофиқ кичик ва ўртача меҳмонхоналар, мотеллар ва кемпинглар тармоғини барпо этиш, янги туризм йўналишларини ўзлаштириш, хусусан, тоғ зоналарида янги саёҳат йўналишларини очиш, халқаро туризм ярмаркаларида иштирок этиш, малакали мутахассислар тайёрлашни, хорижда муносиб рекламани йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Ҳ.ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

Биздан сўрабсиз

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: Она боласи 2 ёшга тўлмай тўлиқ ишга чиқса, болани 2 ёшга етгунча парваришлаш учун бериладиган нафақани отаси, бувиси, буваси ёки бошқа амалда парваришлаётган тарбиячи номига олиши мумкинми?

Г. Шербаева,
Жиззах вилоят, Зарбдор тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддасига биноан ишлаётган аёл ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан сўнг унинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Шу модданинг учинчи қисмида айтилганидек, болани парваришлаш учун бериладиган таътиллардан боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришлаётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёлларга фарзанд тарбияси учун бериладиган таътилдан фойдаланадиган шахс ариза билан ўзи ишлаётган муассаса раҳбарига мурожаат қилиши, аризада боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, иш жойидан болани парваришлашга тегишли бўлган имтиёзлардан фойдаланмаслиги тўғрисидаги маълумотномани илова қилиши шарт. Шундан кейингина болани парваришлаш билан машғул бўладиган шахсга унинг ишлаш жойидан буйруқ чиқарилади ва фақат бу ходим фарзанд тарбиясига тегишли бўлган барча имтиёзлардан фойдаланади.

САВОЛ: Қизим Ферузани Яккасарой туманига 14 август 1996 йилда турмушга берганман. 6.10.96й Миробод туман ички ишлар бўлимида қизимнинг паспорти янгиланди ва турмуш ўртоғининг турар жойида рўйхатдан ўтиш мақсадида у пропискадан ўчирилди. Лекин Яккасарой туман Ички ишлар бўлимининг бошлиғи ота-онанг уйига қайтадан прописка керак деб жавоб берган.

Қизимнинг пропискаси, ҳарбий хизмат гувоҳномаси йўқлиги туфайли у ҳамшира бўлиб ишлайдиган 17-поликлиникадан болага бериладиган нафақани кейинги сафар берилмаслигини айтишган.

Қизим Ферузани прописка қилмаслиги, болага нафақа берилмаслиги тўғрими?

М. Солихова ,
Миробод тумани, Нукус кўчаси 90-107 хонадон.

ЖАВОБ: Аввало, амалдаги қонунга мувофиқ эр-хотин болалари билан бир жойда яшашлари керак. Шунинг учун хотин эрнинг турар жойига пропискадан ўтказилиши шарт.

Туман ички ишлар бўлими прописка масаласида рад жавобини берган бўлса, Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилиш зарур.

Ҳамшира бўлиб ишлаш учун ходим камида ўрта тиббиёт билим юртини тамомлаган бўлиши шарт ва унга ҳарбий хизматга тааллуқли бўлган гувоҳнома берилади. Агар гувоҳномани йўқотган бўлса, қизингиз унинг дубликатини, яъни нусхасини олиши керак. Лекин ишлаб турган ходимнинг пропискадан ўтмаганлиги, ҳарбий хизмат гувоҳномасининг вақтинча йўқлиги бола учун бериладиган нафақадан маҳрум қилишга асос бўла олмайди.

Қизингиз Феруза кўрсатиб ўтилган барча чораларни кўриб, албатта, пропискадан ўтиши ва ҳарбий хизмат гувоҳномасини олиши зарур.

САВОЛ: Боласи икки ёшга тўлмаса ҳам она ишга чиқиш ҳуқуқига эгами?

Б. Маматов ,
Жиззах вилоят, Бахмал тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 233-моддаси талабларига мувофиқ аёларга туққунга қадар етмиш календар куни ва туққандан кейин эллик олти календар куни (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда - етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилади, яъни касаллик варақаси очилади. Бу ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва туғишга қадар аёл амалдаги бу таътилнинг неча кунидан фойдаланганидан қатъи назар унга тўлиқ берилади. Бу даврда аёл ишга чиқиш ҳуқуқига эга эмас, чунки у касаллик варақасида.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари тугагандан сўнг, аёлга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун қисман ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқи берилган.

Шундай экан, аёл ушбу таътил муддати тугагач, ўз иш жойига ишга чиқиши мумкин. Бунга иш берувчи томонидан ҳеч қандай қаршилик кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Кўрсатиб ўтиш керакки, агар аёл ўз хоҳишига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш куни асосида ёки иш берувчи билан келишган ҳолда уйида меҳнат вазифасини бажарса, болани парваришлаш нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар у тўлиқ иш куни асосида ишласа, бундай шароитларда бу нафақани олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади, нафақа тўланмайди.



ПИРИ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

Жиззах шаҳрида ҳам уруш ва меҳнат фахрийлари алоҳида ҳурматда. Чунки бугунги фаровон ҳаётимиз шундай фахрийларимиз меҳнати ва жасорати туфайли эканлигини ёшларимиз яхши билишади. Шу боис ҳам бу табаррук инсонларни қадрлаш ва уларга ғамхўрликлар кўрсатиш фахр-ифтихор намойишига айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 9 майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисидаги Фармони барча жиззахликларни ўз фахрийларига бўлган эътиборини янада кучайтирди.

Суратда:- (чапдан) «Раваллиқ» маҳалласида истиқомат қиладиган уруш ва меҳнат фахрийлари Абдусамад Мўминов, Соли бобо Сулаймонов, Ибодхон ҳожи Азимов ва Акбархон Исоҳоновлар ўз ҳаётларидан мамнун.

Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎТГАНЛАР ЁДИ МУҚАДДАС

Шаҳрисабзда Хотира ва қадрлаш кунини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. 9 майга қадар бу ердаги Хотира хиёбонини қайта таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади. 24 апрелда умумхалқ ҳашари ўтказилиб, ундан тушган маблағ қабристонларни обод қилиш, уруш ногиронларига моддий ёрдам кўрсатишга сарфланади.Туманда беш юз нафардан кўпроқ уруш қатнашчиси истиқомат қилади. Хотира ва қадрлаш кунида уларнинг ҳар биридан хабар олиниб, совға-салом топширилади.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири

Муаммо кўндаланг қўйилади

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ КИМЛАР БУЗМОҚДА?

Меҳнат қонунчилигига амал қилиниши устидан қатъий назорат олиб бориш ва унга риоя қилинишига эришиш касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим кирраларидан биридир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг тасдиғидан ўтган бу ҳужжатда ишловчининг ҳуқук ва бурчлари, иш берувчининг ўзига хос масъулияти аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйилган. Бинобарин, Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгашида ҳам бу масалага жиддий эътибор берилди.

Хусусан, вилоят ҳудудидаги мавжуд қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида кейинги йилларда бу борада бир мунча ишлар қилинаётганлиги, касаба уюшмаларининг Меҳнат Қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш ваколати ва вазифаси касаба уюшмаларига берилган бўлса-да, улар ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига етарли эътибор қилмаётганликлари маълум бўлди.

Текшириш давомида иш берувчилар томонидан қонунбузарликка йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Айниқса, меҳнат таътилларини бериш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилиш, маош ва бошқа тўловларни вақтида бермаслик, меҳнат дафтарчаларини юритмаслик каби салбий ҳолатлар очилдики, буларни тўғридан-тўғри Меҳнат қонунчилигини бузиш деб баҳоламаслик мумкин эмас. Мисолларга мурожаат қиламиз:

«Наманганқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли Наманган қурилиш бошқармаси (бошлиғи З.Хўжаев)да жами 228 нафар киши меҳнат қилади. 1998 йилда 32 нафар, амалдаги йилнинг биринчи чорагида эса 5 киши ўз аризасига кўра ишдан бўшаб кетган. Маъмурият қонундаги икки ҳафталик огоҳлантириш муддатини эътиборда тутмасдан меҳнат шартномасини бекор қилиб юбораверган. Бошқарма бош ҳисобчиси Р.Контюктова эса ҳатто, ёзма аризаси бўлмагани ҳолда асоссиз ишдан бўшатиб юборилган. 1997 йилда 4 нафар, 1998 йилда ҳам шунча одам ишга қабул қилинган бўлишига қарамасдан улардан биронтасига ҳам меҳнат дафтарчаси юритилмаган. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 82-моддасига биноан корхонада 5 кундан ортиқ ишлаган ходимда меҳнат дафтарчаси бўлишлиги шарт. Шу ҳиссадорлик жамиятига қарашли кўп тармоқли ишлаб чиқариш бошқармаси (бошлиғи М.Қаюмов, касабақўм раиси Ю.Оғалиқов)да ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолатни учратамиз. Бу ерда ҳам ишдан бўшатилган 19 ходим Меҳнат Кодексининг 99-моддасига зид равишда икки ҳафталик огоҳлантириш муддатисиз ишдан бўшашликлари ҳақида буйруқ чиқарилган. Қолаверса, бу бошқармада Кодекснинг 150-моддасига зид ҳолда ходимларга мажбурий ҳолатда 1,5-2 ойлаб иш ҳақлари сақланмаган таътиллар берилмоқда. 115-модда қўпол тарзда бузилгани ҳолда ҳайдовчи ва қоровулларни қонунда белгилаб қўйилган иш вақтидан ортиқча ишлатилмоқда ва уларга ортиқча меҳнатлари учун қўшимча маош ҳам тўланмаяпти. Шунингдек, меҳнат шароити ноқулай ва алоҳида тусга эга бўлган ишлар учун белгилаб қўйилган қўшимча таътил бериш жорий этилмаган. Бошқармада 1995-1999 йиллар учун жамоа шартномаси тузилган бўлса-да, ҳар йилнинг якуни бўйича унинг бажарилиши муҳокама этилмаган. Бошқарма ишчи-хизматчиларига 1998 йилнинг июн ойидан бери 3,7 млн. сўм иш ҳақи, 752,3 минг сўм дивидент ишдан бўшаб кетган ходимларга 229,2 минг сўм, 2 ёшгача боласи бўлган оналарга 15,9 минг сўм, 4 нафар ногирон ишчиларга 37,4 минг сўм товон пули ҳануз гача тўланмаган.

Ҳозиргина тилга олиб ўтилган камчиликлар шу тизимдаги қурилиш ташкилотларида ўзига хос «касаллик»ка айланиб қолганга ўхшайди. Бўлмаса, қурилиш материаллари комбинатида ҳам айни шундай ҳолат такрорланмасди. Бундан ташқари, бу ерда Меҳнат Кодексининг 108-моддаси талабларига зид равишда кейинги бир ярим йилда ишдан кетган 37 ходимга меҳнат дафтарчаси ҳамда меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси берилмаган. 6 нафар ходимнинг меҳнат дафтарчаси эса ҳануз кадрлар бўлимида сақланмоқда. 117 нафар ишчи эса ишсиз бекор юрибди. Уларнинг бекор қолган вақти учун ўртача маош сақланиши юзасидан буйруқ расмийлаштирилмаган.

«Наманганқурилиш» акционерлик жамияти (бошқарув раиси Б.Саматов, касабақўм раиси С.Камолиддинов) аппаратида ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган шу каби қонунбузарлик ва камчиликларга йўл қўйилган. Меҳнат шартномалари тузилиши талабга жавоб бермайди. Уларнинг нусхаси ходимларга тарқатилмаган. Республика «Қурилиш материаллари саноати бутлаш» акционерлик жамиятига қарашли хўжалик ҳисобидаги Наманган вилоят бошқармасида (бошлиғи З.Тожибоев, касабақўм раиси Ш.Маҳкамов) Меҳнат Кодексини 174-, 144-моддалари талабларига зид равишда бошқармада ички меҳнат тартиби қоидаси ва ходимларни меҳнат таътилига чиқариш жадвали ишлаб чиқилмаган. Яна бошқа қатор қонунбузарликларга йўл қўйилган. Шунингдек, «Ёғоч маҳсулотларини ишлаб чиқариш акционерлик жамияти (А.Фозилов)да, «Агросаноатқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли Косонсой қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасида, Чортоқ агросаноат фирмасига қарашли ғишт заводида ҳам талай хато-камчиликлар топилдики, булар раҳбарлар ва кадрлар бўлимлари ходимларининг меҳнат қонунларини билмасликларини кўрсатса, иккинчи томондан иш берувчиларнинг меҳнат қонунларига риоя этишларини текшириш ва назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлган касаба уюшма ташкилотларининг ўзларига берилган ваколатлардан фойдалана олмаётганликларидан дарак бермоқда. Умуман, ўрганилган корхоналарда жами 65 та меҳнат қонунчилигининг бузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан корхона раҳбарларига тақдимномалар берилди. Бу нуқсонларга йўл қўйилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 49-моддасига асосан жавобгарликка тортилдилар ва уларга пул жаримаси солинди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТУРИЗМ ЯНГИ АСР БЎСАҒАСИДА

Самарқанд вилоятида 1999-2000 йилларда халқаро туризмни ривожлантириш дастури тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сўнгги вақтда бу ерда халқаро туризм инфратузилмасини барпо этишга катта эътибор берилмоқда. Самарқандда қадимий меъморчилик ёдгорликлари таъмирланмоқда. Хорижий саёҳатчилар учун тўрт юлдузли «Афросиёб» меҳмонхонаси қурилмоқда. Шу билан бир вақтда бу истиқболли соҳани ривожлантиришда катта имкониятлардан ҳозирча тўла фойдаланилмаяпти, дейилади қарорда, малакали кадрлар етишмаяпти, саёҳатчилар бориб кўриши учун тавсия этиладиган ин-

ЯХШИЛАР ШАРОФАТИ

Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини намунали йўлга қўйиш, экологик ҳолатларни яхшилаш, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашда Халқаро «ЭКОСАН» жамғармаси Муборак туман бўлими ташаббускор бўлмоқда. Меҳр-мурувват кўрсатиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга ҳам асосий эътибор қаратилган.

Жамғармамиз ташаббуси билан 45 нафар мубораклик уруш ва меҳнат фахрийлари Тошкент шаҳрига саёҳатга бордилар. Сарф-харажатлар ўз ҳисобимиздан тўланди,- дейди жамғарма туман бўлимининг бошлиғи Эгамберди Қодиров.- Бундан ташқари 35 нафар илғор пахтакор Имом ал-Бухорий зиёратгоҳида бўлдилар.

Аёллар йили хайрли ишлар билан бошланди. Яқинда «Намунали оила» кўрик танлови ўтказилди. Мақсад, шаҳар ва қишлоқлардаги ибратли оилаларни аниқлаш, шунингдек, танлов иштирокчиларининг хонадонлари, ҳовли-боғларининг аҳволи, озодаликка алоҳида эътибор беришдан ибрат эди.

Ғафур Ғулом номли мактаб директори Элмирза Маҳмонов бошлиқ оила кўрик-танлов ғолиби бўлди ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Ибратли ташаббуслар кенг қулоч ёймоқда. Яқинда ўтказилган танловда туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар иштирок этишди. Бу халқ хўжалигининг аксарият тармоқларида ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлигини исботлаб турибди.

Танловда «Эргаш» хусусий корхонаси биринчи, «Шон-шуҳрат» фирмаси иккинчи, «Ҳайдар» фирмаси учинчи ўринни олди. Фермерлар ўртасида эса «Азамат» фермер хўжалиги, ҳунармандлар ўртасида «Роза» фирмаси ғолиблик қилди. Тадбирларда Халқаро «ЭКОСАН» жамғармасининг туман бўлими ғолибларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпти.

16 феврал куни террорчилик ҳаракатлари оқибатида шаҳид кетганлар ва жабр кўрганлар оиласи учун очилган ҳисоб рақамига мазкур бўлим биринчилардан бўлиб маблағ ўтказди.

Айни пайтда ҳудудни ёппасига кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилди. Эзгуликка йўғрилган бундай тадбирлар қишлоқларни боғ-роғларга буркаш, уларни яшартиришга хизмат қилгусидир. Жамғарма туман бўлими билан туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкилот, корхона ва хўжаликлар ўртасида кўкаламзорлаштириш бўйича ташкил этилган беллашув айнан ана шу мақсадни кўзда тутиши билан аҳамиятлидир. «Мубораксаноат» конлари бошқармаси ишчи-хизматчилари 110 минг туп, шаҳар уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси жамоаси эса 50 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ниҳолларини ўтказдилар.

Жамғарма халқимизнинг муқаддас байрамларини кўтаринки руҳда ўтказишда ҳам алоҳида ташаббус билан чиқди. Кам таъминланган оилаларга меҳр-саховат кўрсатиш, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз оилалар аҳволидан хабардор бўлиш одат тусига кирган.

Абдулла АЙИЗОВ,
«Ишонч» мухбири.

ИЖОДКОР ҚАЛБ ДАФТАРИДАН

Адабиётшунос ва тарихчи олим Мажид Ҳасанийни китобхонлар сергайрат, сермаҳсул, серқирра ижодкор сифатида яхши билишади. Қатоғон қилинган тарихий шахслар ҳақида, хусусан, озодлик, истиқлол чавандози, давлат ва жамоат арбоби, фидойи инсон Файзулла Хўжаев тўғрисида ёзган рисолалари, китоблари, тарихий очерклари ва публицистик мақолалари кўлма-кўл ўқилиб келинмоқда.

Заҳматҳқаш олимнинг «Тарих ошкоралик нигоҳида», «Туркистон босқини», «Юрт бўйнидаги қилич ёки Истило» , «Файзулла Хўжаев» номли китоблари, журналист Ислом Усмонов билан ҳамкорликда ёзган «Ойдин кунлар армони» номли рисоласи яқин ўтмишда содир этилган воқеалар ҳаққоний акс эттирилганлиги билан ҳам қимматлидир.

Филолог-тарихчи олим Мажид Ҳасаний мозийга доир «Икки ўт орасида» номли янги китобини нашриётга топширди. Яқин кунларда бу асар ҳам ўқувчилар қўлига етиб боради.

Изланувчан ижодкор М.Ҳасаний адабиётшунос олимлар, филология фанлари докторлари Абдуқодир Ҳайитметов, Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комиловлар каби назм бўстонидан гул дасталаш ҳавасида. У ўзининг қалб дафтарига жамланган шеърларидан ўқувчиларни баҳраманд қилмоқ ниятида. Қуйида сиз улардан айрим намуналар ўқийсиз.

ТАРИХ

Аждодлар ёдини иймон биламан,
Тарихинг меҳр-ла жондин севаман,
Мозийдан сўзловчи ҳар сапол тошни,
Юрагим тўрида асраб юраман.

ТИРИКЛИК ФАЛСАФАСИ

Бу дунёга кимлар келиб-кетмади,
Бири кам дунёнинг ками битмади.
Тириклик, дунё деб, югурдик-елдик,
Бари чала қолди, умр етмади.

Бу дунёга ҳеч ким устун бўлганмас,
У дунёдан ҳеч ким тирик келганмас,
Бу оддий тириклик фалсафаси, бил,
Жаннату дўзахни ҳеч ким кўрганмас!

Кундузнинг зулматли тунлари ҳам бор,
Ҳар юртнинг ботиру қотили ҳам бор,
Тақдири азалдан қутилмассан, бил,
Чап елкангда шайтон, ўнгда раҳмон бор!

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Ҳаёт бамисоли уммон. Уммонда наҳанг ҳам, қисқичбақа ҳам, чўртон балиқ ҳам ёнма-ён яшайди.

***

Она қуёш, ота ой деймиз. Иккисини ҳам сақлаш, эъзозлаш ўзимизга боғлиқ.

***

Бировнинг боши билан юрувчилар бошсиз чавандозга ўхшайди.

***

Ўғри молингни қўрқитиб олади, порахўр пинжингга кириб олади.

***

От босган изни той босади, деймиз. Отнинг босган изи қинғир бўлса, тойнинг аҳволига вой.

***

Сохта камтарлик ва олижаноблик алдамчи саробга ўхшайди.

***

Сотқин ичингга иблис бўлиб кириб олади. Сир-асроринг билиб олгач, сени бир пулга сотиб юборади.

Мажид ҲАСАНИЙ.

Сўраган эдингиз

КЎКСОВНИНГ ДАВОСИ НИМА?

Ҳурматли «Ишонч» рўзномасининг қаламкашлари, биз мақолаларингизни севиб ўқиб, ундан фойдали маслаҳатлар олиб турамиз. Сизлардан илтимос, навбатдаги саҳифаларингиздан бирида кўксов (бронхиал астма) касаллиги, хасталикни келтириб чиқарувчи омиллар ҳамда уни бартараф этиш хусусида кенгроқ маълумот берсангиз.

Сизларга мустаҳкам соғлик тилаб: Севара АЛИМАРДОНОВА,

Қашқадарё вилояти, Чирокчи тумани.

Ўзбекистон Республикаси ногиронлар меҳнат қобилиятини аниқлаш ва қайта тиклаш илмгоҳи директорининг ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Абдусамат АБДУСАЛОМОВ билан суҳбатимиз ана шу мактуб юзасидан бўлди.

— Тиббиёт олимларининг хулосаларига кўра, ҳозирги пайтда ер шари аҳолисининг 3-8 фоизи бу дардга чалинган. Унинг асосий сабабларидан бири, атроф-муҳитнинг ифлосланиб бориши, турли косметик моддаларнинг кўпайиши, дорилармонларнинг бетартиб истеъмол қилинаётганлиги деб ҳисобланмоқда. Ачинарлиси шуки, бу касаллик лаёқатли ёшлар орасида ҳам учраб, вақтинчалик улар меҳнат қобилиятининг йўқолишига сабаб бўлаётир.

Бу дарднинг ҳуруж ҳолатига турли сабаблар мойиллик кўрсатади. Чунончи, нафас йўлларини қитиқловчи турли хил хидлар, гул, ун чанглари, хашак, ёстиқ парлари, бензин хиди сингарилар. Баъзан эса минтақаларнинг шароити, об-ҳаво ўзгариши ҳам сабаб бўлади. Бу касаллик билан оғриганлар совуқ, зах, салқин хоналарда ишламасликлари керак.

Кўксовнинг асосий клиник кўриниши ўпканинг қисқа вақт ичида кенгайиши билан кечувчи нафас қисиши ҳуружидир. Унинг кечишига қараб енгил, ўртача, оғир кўринишларини фарқлаш мумкин. Жумладан, енгили йил давомида 3-4 марта қайд этилиб, бир соатдан ортиқ давом этмайди. Шунингдек, ҳуружлар кам ва қисқа муддатли бўлади. Ўпкани фонедоскоп ёрдамида кузатилганда қуруқ ғижирлашни кузатиш мумкин. Одатда бундай ҳуружлар нафас йўлларини кенгайтирувчи дори-дармонлар билан йўқотилади.

Ўртача ҳуружлар тез-тез, гайтирувчи дорилар юборилгандагина йўқолиши мумкин.

Бу дардга йўлиққан беморнинг касби соғлигига монелик қилмаса, у узоқ йиллар ўз ишини давом эттириши мумкин. Албатта у шифокор назоратида бўлиб, маслаҳатларига амал қилиши, меҳнатни тартибли асосда олиб бориши ниҳоятда муҳимдир. Беморларнинг ўзларига мос касбларда ишга жойлаштирилиши кўксов ҳуружларининг камайишига ёки бутунлай йўқолиб кетишига ҳам сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, касаллик илк кўринишида, меҳнат фаолиятини тўғри ташкил этиш ногиронликни бартараф қилишнинг муҳим омилидир. Бундай пайтда меҳнатга йўлланмани беморни кўп йилдан бери кузатиб келаётган даволаш муассасаси бермоғи лозим.

Кўксовга чалинганларга ноқулай об-ҳаво шароитида ишлаш, газ, чанг билан ифлосланган ҳавода юриш, ҳуружни қўзғовчи омиллар билан мулоқотда бўлиш, оғир жисмоний ҳаракат талар тайёрловчи корхоналар ишчиларида кўпроқ учрайди. Кўксов оғир кечиши ҳолларида беморлар бироита ҳам профессионал касбга лойиқ бўлмай (II гуруҳ ногиронлари) бўлиб қоладилар. Баъзида уларга доимий иккинчи, бир кимсанинг парвариши ва ёрдамига муҳтожларга эса I гуруҳ ногиронлиги берилади.

Енгил ва ўртача оғирлик ҳолатидаги (агарда ишга жойлаш унинг малакаси пасайишига олиб келадиган бўлса) беморлар янги касбни эгаллаш учун қайта ўқишга юборилади. Ўқишдан сўнг маълум касбни эгаллаб, янги меҳнат фаолиятига кўникканлар саломатлиги қайта тикланган, деб ҳисобланади.

Касаллик ўз вақтида аниқланиб, тўғри муолажа белгиланса, бемор дастлабки босқичдаёқ бутунлай шифо топиши мумкин. Аксинча, бефарқлик билан ўтказиб юборилса, оғир ва мураккаб жараёнларни бошидан кечиришига тўғри келади.

Кўксовга йўлиққан ҳар бир киши ўз худудидаги ёки корхона қошидаги шифохона ҳисобида турмоғи, энг асосийси шифокорларнинг меҳнат тартиби хусусидаги маслаҳатларига қатъиян амал қилмоғи лозим бўлади.

Суҳбатдош: Файзулла ИСАЕВ.

Ҳар тўғрида

Худо бераман деса

Межгорье шаҳарчаси бозорида ғалати воқеа содир бўлиб ўтди. Бу ерда Европадан келтирилган эски кийимларни арзон гаровга сотиб олиш мумкин.

Бир кампир Германиядан келтирилган эски костюм сотиб олди. Мўъжиза эса ана шу эски костюмда эди. Уйда кўзгу олдида топилмасини кийиб кўрар экан, кампир қўлини костюм чўнтагига тиқиб кўрди. У ерда эса бир қанча немис маркалари ётарди. Дарҳол санаб кўрди- 1000 немис маркаси! Бу ғойибона ютуққа кампир дарҳол видеомагнитофон, телевизор ва яна бир қанча нарсалар сотиб олди. Бўлиб ўтган воқеадан сўнг айтишларига қараганда, бозорда Европанинг эски кийимларига бўлган талаб кучайиб кетган.

Селин Дионнинг орзуси

— Машҳур «Титаник» кемаси Селин Дионнинг оҳанрабо қўшиқлари остида қандай чиройли чўкканини эслайсизми. 30 ёшли хонанда бугун бутун дунёга машҳур. Бироқ у бу шуҳратни секингина ўзидан четлатиш ҳаракатида.

— Мен оддий оилавий ҳаёт ҳақида орзу қиламан,- дейди хонанда. У ўз вақтини эри- шунингдек, унинг истеъдодини кашф этган Ренс Анжеле билан ўтказишни истайди. Ренс ундан 27 ёшга катта улар иккови ҳам вақт йўқлиги ва асаблари чарчаганидан шикоят қилишади. Эҳтимол айнан шу нарса уларга бола кўриш учун ҳалақит қилаётгандир. Селин эса фарзанд кўришни жуда-жуда истайди.

— Агар фарзандим бўлганда эди, доим уйда ўтирардим, ширин-ширин таомларни таёрлашни ўрганардим. Менимча бу ҳар бир аёлнинг юрак тубидаги энг муқаддас орзуси, — дейди Селин Дион.

А.БОБОЕВ тайёрлади.



Тадбиркор инъоми

«РОЗА» БЕЛГИСИ БИЛАН

Нукус шаҳридаги «Роза» хусусий фирмасига тадбиркор аёл Роза Жулаева раҳбарлик қилади. Мазкур фирма таркибидаги «Қизминойим», «Сарбиноз», «Лола» ҳамда «Ҳурлимон» сингари кичик шохобчаларда ишловчи қўли гул чеварлар томонидан тикилган бир-биридан бежирим миллий кийимкечаклар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Фирмада 70 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Улар буюртмалар асосида турли ёшдаги кишиларга кийимлар тайёрлашади. Жамоа аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун Қорақалпоғистон тадбиркорлари ва ишбилармонлари ўртасида ўтказилган «Ташаббус-99» кўрик-танловида ғолиб чиқиб, видеомагнитафон билан тақдирландилар.

— Мақсадимиз корхона тамғаси билан кўплаб рақобатбардош, сифатли моллар тайёрлашдан иборат, - дейди жамоа раҳбари Роза Жулаева. - Бунинг учун фаолиятимизни янада кенгайтирмоқдамиз. Бунда хорижлик ишбилармонлар ва тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим ўрин тутади. Чунончи, бу йўналишда дастлабки қадам қўйилди. Яқинда 1.5 миллион сўм миқдорида маблағ сарфлаб Германиядан янги технологиялар келтирдик. Шунингдек, Қорақалпоғистон тўқимачилик корхонаси - «Катекс» билан шартнома тузиб, материаллар олишни йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз - тикилган кийимлар барчанинг дидига мос бўлишини таъминлашдир.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

ОМОНАТНИ СЕНГА, СЕНИ ОЛЛОҲГА ТОПШИРДИМ

(Ривоят)

Халқимиз оғзаки ижодида шундай ривоят ва иборалар борки, улар бир қарашда соф диний, бир қарашда афсонавий, яна бир қарашда ҳаётий мазмун касб этади. Замирида чуқур ва теран бир ҳақиқат, эзгу истак ва орзу-умидлар яшириниб ётади.

Шулардан бири «Омонатни сенга, сени Оллоҳга топширдим» иборасидир. Дуо, истак, илтижо, ихлос, ишонч, имон, эътиқод каби тушунчалар уйғунлашиб кетган бу гап кўпинча турмушимизнинг энг қалтис пайтларида тилга олинади.

Шундай ривоят бор. Бир савдогар катта карвон билан узоқ сафарга отланмоқчи бўлди. Жўнаши олдидан хотини кўзида жиққа ёш билан жавдираб сўради:

- Бир-икки ой ичида қайтарсиз, бегим?

- Нима эди?

- Ахир кўриб турибсиз, ой - куним яқин. Худо хоҳласа, яна қирқ-қирқ беш кун деганда фарзандлик бўламиз.

- Биламан. Бу ҳақда кўп ўйладим, - хўрсиниб жавоб берди савдогар, — лекин карвон билан бориб келмасам бўлмайди-да, хотин. Қорнингдаги болани Оллоҳга топширдим. Илоҳо ўз паноҳида сақлагай уни...

Савдогар узоқ юртларда тижорат ишлари билан банд бўлиб эллик кун деганда уйига қайтиб келди. Яқинлари уни кўриб, уввос солиб йиғлашга тушдилар.

- Хотинингдан ажраб қолдик. Ўтган шанба куни тўлғоққа дош беролмай, ҳаётдан кўз юмди, шўрлик.

Савдогар кутилмаган бу руҳий зарбадан ўзини йўқотиб, фақат оҳ чекарди.

- Мен сенга ҳали ёруғ дунёни кўрмаган, норасида гўдакни омонат қолдирган эдим-ку, Оллоҳим! Наинки уни онасига қўшиб бу ёруғ оламдан маҳрум этсанг, - нидо қиларди у.

Савдогар оёққа турди-ю, тўғри қабристон томон йўл олди.

- Завжангизнинг қабри ҳув анови, — янги гўрга ишора қилди гўрков, - лекин шу чоққача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бир ғаройиботдан сизни огоҳ этиб қўяй: кечаси ўша қабрдан нур чиқиб туради. Не сир-асрори борлиги менга қоронғи.

Савдогар ҳайрат ичра қабр устига бориб, Қуръон тиловат қилгунча, атрофга зулмат тўр ёйди. Қабр ичидан ростдан ҳам тарам-тарам нур тарала бошлади. Савдогар не қиларини билмай, гўрковдан кетмон олиб келди-да, жадал ишга киришиб, қабрни очди. Не кўз билан кўрсинки, қабрда шам ёниб турар, унинг ёруғида чақалоқ ухлаб ётарди.

Ҳанг-манг бўлиб қолган савдогар у ён-бу ён аланглаб, яна бир қудрати илоҳийдан огоҳ бўлди: хотини жасадининг бош ва оёқ томонларида ҳарир пардалар ичра икки малак гўдакдан кўз узмай ўтиришар, майин овозда алла айтишарди.

- Биз фаришталармиз,- дейишди улар, — фарзандингизни Оллоҳга топшириб кетган эдингиз. Омонатингизни ўзингизга қайтарамиз. Тўрт мучаси бус-бутун. Сизга муносиб ўғил бўлғай.

- Боламнинг онаси-чи? Уни тирилтириб беришнинг иложи йўқми? - илтижо қилди у фаришталарга.

- Афсус, - жавоб беришди улар, - сафарга кетар чоғингизда Оллоҳга имон келтириб, унга фақат боланигина омонат қолдиргансиз, онасини эмас...

Шу-шу одамлар омонатнинг ўзини эмас, омонат қолдираётган масъул шахсни Оллоҳга топширадиган бўлганлар. Чунончи шундай дейишган:

- Омонатни сенга, сени Оллоҳга топширдим.

М.АБДУКАРИМОВ.

Тошкент вилояти кардиология диспансерига кунига ўнлаб беморлар шифо излаб келишади. Фидойи шифокорлар меҳнат қилаётган бу аҳил жамоадан барча хурсанд.

Туябуғиш денгизининг шундоққина ёнида, мўътадил иқлимда жойлашган бу сиҳатгоҳда даволанишнинг барча қулайликлари яратилган.

Суратда: Биринчи тоифали шифокор Ўғилой Оқбердиева ҳамда кардиореанимолог Ориф Исмоиловлар беморнинг саломатлигини назоратдан ўтказишмоқда.

П.ЭРГАШЕВ олган сурат.

«МЕТАЛЛНИҚАЙТАИШЛАШ» МЧЖ

Чекланмаган миқдорда сотади:

* зангламайдиган челак 9л - 550 сўм, 15л - 600 сўм;
* зангламайдиган тоғора 13л - 600 сўм, 23л - 800 сўм;
* зангламайдиган бак 32л - 1500 сўм;
* сув қайнатгич (самовар) 42л - 4200 сўм;
* алюмин қошиқ ва вилка - 10 сўмдан;
* эшик ва ром ошиқ-мошиқлари 110 мм - 60 сўм;
* йўлақ (тротуар) плиталари 1 кв.м. - 750 сўм
* «Нева-5» ва «Ладога-3» русумли тўқув машиналари;
* 100 тонна қувватга эга зичлагич (пресс);



СОТИБ ОЛАДИ:

* зангламайдиган сим - қалинлиги 5 мм;
* қора тунука - қалинлиги 2 мм, 08КП;

ИЖАРАГА БЕРАДИ:

* божхона омбори - 500 кв.м;

КОРХОНА МАНЗИЛИ: Тошкент ш. Соғбон 30-берк кўча, 79-уй.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
46-52-00, 46-64-19, 46-14-13, 46-79-41.

САМАРҚАНД ҲУНАРМАНДЛАРИ

Асрлар оша яшаб, ўз қадр-қимматини йўқотмай келаётган халқ ҳунармандчилиги тажрибасини кенг ёйиш, уни янада ривожлантириш учун Самарқанд шаҳрида янги «Ҳунарманд» бирлашмаси ташкил этилди. Бу ерда бугунги кунда ҳунармандчиликнинг наққошлик, ўймакорлик каби халқ севган турлари билан юзлаб номдор ва ёш ҳунармандлар машғул. Машҳур мусаввирлар ҳам бирлашма обрўсига обрў қўшмоқдалар.

Суратда: каштачи Хосият Ғуломова.



Т.НОРҚУЛОВ (Ўз А) олган сурат.

БЕЛЛАШУВЛАР БОШЛАНДИ

Касаба уюшмаларининг кўнгилли спорт жамияти ташаббуси билан Самарқандда олий ўқув юртлари ўртасида «Универсиада - 99» мусобақалари ўтказилмоқда.

Кеча мазкур мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти раиси Баҳодир Бобомуродов, вилоят касаба уюшмалари раисининг 1-ўринбосари Мирза Ҳайитов, мусобақа бош судьяси, вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси раиси Ҳасан Нормуродов, Самарқанд тиббиёт институти проректори Ўткир Самиевлар сўзга чиқиб спортчиларга зафар тилади.Беллашувларда спортнинг стол тенниси, енгил атлетика, волейбол,эркин кураш, миллий кураш каби 16 тури бўйича 800 нафар талабалар иштирок этадилар.

ТАШКИЛОТ

Қуйидаги тиббий ускуналарни ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва эҳтиёт қисмларни

СОТАДИ:

. 70х70 ҳажмли флюраграфия плёнкаси ва 30х40 ҳажмли рентген плёнкаси. ***Германия маҳсулоти.***

. 15 литрли фиксаж проявителлари. ***Россия маҳсулоти.***

. 105х55 ҳажмли полипропилен қоплари. ***Туркия маҳсулоти.***

. Металл қуймалар, зангламайдиган тунукалар, қувурлар, озиқ-овқат учун ишлатиладиган тунукалар ***(консерва банка қопқоқлари учун),*** *«Т-170» русумли тракторлар, автогрейдерлар.*

«П-702» русумли лемех лепка, норальник — культивация учун. ***(Россия маҳсулоти)***

«Алоқа- 500» русумли ультратовушли диагностика аппаратлари (УЗД).

СОТИБ ОЛАДИ:

. «Прима» момиғи (вата) ва кунжут.

. Ўзаро ҳамкорликка асосланган барча таклифларни кўриб чиқади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ғани Мавлонов кўчаси, 52/2 - уй.
Тел: 342758, 344769, пейджер (067) 4184

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ НАШРИ «ИШОНЧ»

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:

Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85--66.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида- 5-19-11. Қумқўрғонда - 54-3-58.

Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0289. Нусхаси — 18.090.

123456